«TASDIQLANGAN»
O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi
"Farmatsevtika mahsulotlari xavfsizligi markazi"
davlat muassasasi
Farmakologiya qo'mitasi
«15» 10 2025 г. № 14

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА
СУВИТОЛ

Препаратнинг савдо номи: Сувитол
Таъсир этувчи модда (МНН): натрий лактат ва сорбитол
Дори шакли: инфузия учун эритма
Таркиби:
Ҳар 200 мл эритмада қуйидагилар мавжуд:

сорбитол	12,00 г
натрий лактат	3,8 г
натрий хлорид	1,2 г
кальций хлорид (Қуруқ моддага нисбатан ҳисобланганда Кальций хлорид гексагидрат)	0,02 мг
калий хлорид	0,06 мг
магний хлорид (Қуруқ моддага нисбатан ҳисобланганда Магний хлорид гексагидрат)	0,04 мг
Инъекция учун сув	200 мл

Таърифи: шаффоф рангсиз ёки бироз сарғиш суюқлик.
Фармакотерапевтик гуруҳи: Қон ва қон йаратиш тизими. Қон ўрнини босувчи ва перфузион эритмалар. Электролит эритмалар.
АТХ коди: B05XA31

Фармакологик хусусиятлари
Фармакодинамика
Плазма ўрнини босувчи дори воситаси. Реологик, шокка қарши, детоксикация қилувчи ва ишқорловчи таъсир кўрсатади. Асосий фармакологик фаол моддалар сорбитол ва натрий лактат ҳисобланади. Жигарда сорбитол аввал фруктозага, кейин глюкозага ва ундан кейин эса гликогенга айланади. Сорбитолнинг бир қисми тез энергия эҳтиёжлари учун сарфланади, қолган қисми эса гликоген шаклида захира сифатида тўпланади.
Сорбитолнинг изотоник эритмаси дезагрегант таъсирга эга бўлиб, тўқималарнинг микроциркуляцияси ва перфузиясини яхшилайди.
Бикарбонат эритмасидан фарқли ўлароқ, натрий лактат ёрдамида метаболик ацидозни тузатиш секинроқ содир бўлади, чунки у моддалар алмашинувига, pH ни кескин ўзгаришига олиб келмасдан киради. Натрий лактатнинг таъсири юборилгандан кейин 20-30 дақиқада содир бўлади.
Натрий хлорид - плазма ўрнини босувчи восита бўлиб, детоксикация ва регидратация таъсирини кўрсатади. Турли патологик ҳолатларда натрий ва хлор ионларининг етишмаслигини бартараф этади.
Кальций хлорид кальций ионларининг етишмаслигини бартараф этади. Кальций ионлари нерв импульсларини узатиш, скелет ва силлиқ мушакларнинг қисқариши, миокард фаолияти, суяк тўқималарининг шаклланиши ва қон ивиши учун зарурдир. Ҳужайралар ва қон томир деворларининг ўтказувчанлигини камайтиради, яллиғланиш реакцияларининг ривожланишига тўсқинлик қилади, организмнинг инфекцияларга чидамлилигини оширади ва фагоцитозни сезиларли даражада кучайтириши мумкин.
Калий хлорид сув-электролитлар мувозанатини тиклайди. Салбий хроно- ва батмотроп таъсир кўрсатади ва юқори дозаларда — салбий ино-, дромотроп ва ўртача диуретик

таъсир кўрсатади. Нерв импульсларини ўтказиш жараёнида иштирок этади. Ацетилхолин миқдорини оширади ва автоном нерв тизимининг симпатик қисмини қўзғатади. Мушак дистрофияси, миастенияда скелет мушакларининг қисқариш жараёнини яхшилайди.

Фармакокинетика
Сорбитол умумий метаболизмга тез киради, унинг 80-90% жигарда утилизация қилинади ва гликоген шаклида тўпланади. 5% мия тўқималарида, юрак мушагида ва скелет мушакларида тўпланади. 6-12% сийдик билан чиқарилади.
Қон томир ўзанига юборилганда, натрий лактат карбонат ангидрид ва сув билан реакцияга киришиб, натрий бикарбонат ҳосил қилади, бу эса қоннинг ишқорий захирасининг ошишига олиб келади. Юборилган натрий лактатнинг фақат ярми (изомер L) фаол ҳисобланади, қолган ярми (изомер D) метаболизация қилинмайди ва сийдик билан чиқарилади.
Натрий хлорид тезда қон томир ўзанидан чиқарилади, фақат қон ҳажмини вақтинча оширади. Диурезни оширади.

Қўлланилиши
- травматик, жарроҳлик, гемолитик, токсик ва куйиш шокларини, ўткир қон йўқотиш, куйиш касалликларини олдини олиш ва даволаш мақсадида капилляр қон оқимини яхшилаш учун;
- интоксикация, сурункали гепатитнинг кучайиши билан бирга давом этадиган юқумли касалликлар;
- сепсис;
- жарроҳликдан олдинги тайёргарлик ва жарроҳликдан кейинги даврда;
- тромбоз, тромбофлебит, эндартериитларнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида артериал ва веноз қон айланишини яхшилаш учун;
- Рейно касаллиги.

Қўллаш усули ва дозалари
Вена ичига (в/и) оқим ёки томчилатиб юборилади.
Катталар учун в/и томчилатиб дақиқада 40-60 томчи тезликда юборилади. Агар керак бўлса, томчилатиб тест ўтказилгандан сўнг дақиқада 30 томчи тезликда препаратни оқим билан юбориш мумкин. 15 томчи юборилгандан сўнг препарат инфузияси тўхтатилади ва 3 дақиқадан кейин, агар ҳеч қандай реакция кузатилмаса, Сувитол оқим билан юборилади.
Сурункали гепатитларда — 400 мл (тана вазнига 6-7 мл/кг) миқдорида томчилатиб, такроран қўлланилади.
Қон томирларининг тромбоблитерацияловчи касалликларида — тана вазнига 8-10 мл/кг ҳисобидан, томчилатиб, такроран, бир кун оралатиб, даволаш курсида 10 тагача инфузия қилинади.
Жарроҳликдан олдинги даврда ва турли жарроҳлик амалиётларидан кейин — 400 мл (тана вазнига 6-7 мл/кг) дозада томчилатиб, бир марта ёки такроран, ҳар куни 3-5 кун давомида қўлланилади.
Ўткир қон йўқотишда — 1500-1800 мл (тана вазнига 25 мл / кг гача). Бундай ҳолда, Сувитол инфузияларини касалхонадан олдинги босқичда, ихтисослашган тез ёрдам машинасида ўтказиш тавсия этилади.
Травматик, куйиш, жарроҳликдан кейинги ва гемолитик шокда — 600–1000 мл (тана вазнига 10–15 мл/кг) бир марта ва такроран, аввал оқимда, кейин томчилатиб юбориш усулида;
6 ёшгача бўлган болаларга препаратни тана вазнига 10 мл / кг дозада, 6 ёшдан 12 ёшгача — катталар учун дозанинг ярмига тенг дозада юбориш тавсия этилади. 12 ёшдан ошган болалар — катталар учун дозада.

Ножўя таъсири
Алкалоз ва аллергик реакциялар (тери тошмаси, қичишиш) пайдо бўлиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар
- алкалоз;
- катта ҳажмдаги суюқлик инфузияси қарши кўрсатма бўлган ҳолларда (мияга қон кетиши, тромбоэмболия, юрак-қон томир декомпенсацияси, артериал гипертензия III босқич);
- препаратнинг таркибий қисмларига юқори сезувчанлик.
- гиперкалемия
Жигар, буйрак функцияси, ошқозон яраси ёки геморрагик колит бўлган беморларга препаратни эҳтиёткорлик билан буюриш керак.

Дориларнинг ўзаро таъсири
Сувитолни фосфат ва ўз ичига карбонат олган эритмалар билан аралаштириб юбормаслик керак.
Бошқа дорилар учун ташувчи- эритма сифатида фойдаланманг.

Махсус кўрсатмалар
Препарат қоннинг кислотали-ишқорий ҳолати ва электролитлар кўрсаткичлари, шунингдек, жигарнинг функционал ҳолати назорати остида қўлланилади. Тошли холецистит билан касалланган беморларда эҳтиёткорлик билан қўлланилади.
Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланилиши. Сувитол препаратини ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.
Жигар функцияси бузилганда қўлланилиши. Жигар функцияси бузилган беморларга препарат эҳтиёткорлик билан тайинланиши керак.
Препарат буйрак функцияси бузилган, ярали касаллик, геморрагик колит билан оғриган беморларга, шунингдек, суюқлик қабул қилишни чеклаш зарур бўлган беморларга эҳтиёткорлик билан тайинланиши керак.
Болаларда қўлланилиши. 6 ёшгача бўлган болаларга препаратни 10 мл/кг тана оғирлиги ҳисобидан дозада тайинлаш тавсия этилади; 6 ёшдан 12 ёшгача — катталар учун мўлжалланган дозанинг ярми миқдорида; 12 ёшдан катта болалар учун катталарники каби доза қўлланилади.
Қарийаларда қўлланилиши. Препаратнинг дозаси катталарники каби, аммо қарши кўрсатмалар ва юқорида қайд этилган махсус кўрсатмалар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.
Дори воситасининг транспорт воситалари ва механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири. Препаратнинг фақат стационар шароитида қўлланилиши сабабли, бу ҳақда маълумотлар мавжуд эмас.
Препарат ранги ўзгарса ёки суспензия пайдо бўлса, эритмани қўллаш мумкин эмас.
Препаратни болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва
муддати ўтгандан кейин қўлламаслик керак.

Дозани ошириб юбориш
Симптомлар: алкалоз ҳодисалари юзага келади, препаратни қўллаш дарҳол тўхтатилганидан кейин улар тезда ўз-ўзидан ўтиб кетади.

Чиқарилиш шакли:
PET флаконда 200 мл препарат.
Бир флакон тиббиётда қулланишига доир йўриқнома билан бирга картон қутига жойлаштирилган.

Сақлаш шартлари.
25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақланг.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин
Яроқлилик муддати.
3 йил.
Яроқлилик муддати ўтканидан сўнг қўлланилмасин.

Дорихоналардан тарқатиш шартлари:
Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:
Cisen Pharmaceutical Co.,Ltd.
Tongji Sci-tech Industrial Park, High-tech Industrial
Development Zone, Jining, Shandong, China. 272000

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича даъволарни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили.
«SHAYANA FARM» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. 100098, Олмазор тумани, Гулсарой кўч., Чуқурсой МФЙ, 19-уй.
Тел: (71) 207-21-91,92,93,95
+998 90 830-72-87
Факс: (71) 207-21-94